# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 88 (9.280) 1999 йил 30 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда





**Саноат**

## УНУМДОРЛИК ОРТАДИ

***Тошкентдаги «Шифобахш булоқ» ҳиссадорлик жамияти аъзолари мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини меҳнатда муносиб совғалар тайёрлаш билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.***

Бугунги кунда 160 минг шишага маъданли сув қуйишга улгураётган жамоа байрам арафасида бу кўрсаткични икки баробар оширишни режалаб турибди. Корхона томонидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг барчаси республикамиз рамзи туширилган янги ёрлиқлар ёпиштирилган шишаларда чиқарилади.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида**

## АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти ва хотин-қизлар қўмитасининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фалиятининг 1999 йил биринчи ярим йиллик якунлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги 73-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 1 мартдаги 131-сонли «Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида 1999 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорларнинг иккинчи чорак мобайнидаги ижроси ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги Фармон ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва унинг уюшмалари жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ўзининг иш фаолиятини оилаларнинг маънавий баркамоллиги, ахлоқ ва тарбия, таълим ва саломатлик, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари учун қонунчилик, ҳуқуқий тарбия масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда олиб борганлиги, иш режасида белгиланган тадбирлар ҳам асосан оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоясига қаратилганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳам кўрсатилди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова олиб борди.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бундан бир ой олдин ёшларни ақидапарастлик оқимлари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида, ҳамда «Камолот» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимларида олиб борилаётган ишларнинг тафсилоти кўриб чиқилган эди. Мана шу мажлисда қабул қилинган қарорлар асосида қисқа муддатда «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига «Тошкент шаҳар ёшларини ватанга садоқат, эл манфаати йўлида хизмат қилиш ғоялари асосида камол топтириш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва жамоат ишларида фаоллигини ошириш юзасидан шаҳар ҳокимлигининг 1999-2000 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури»ни ишлаб чиқиш вазифаси топширилганди. Куни кеча тайёр бўлган ана шу дастурнинг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бу дастур 13 бўлимдан иборат бўлиб, унда ёшларнинг маънавиятини мустаҳкамлаш, билим даражасини ошириш, иш билан таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини мароқли ташкил этиш, иқтидорли ёшларнинг маҳоратини ошириб, уларни рағбатлантириш ва бошқа шунга ўхшаш ижтимоий-сиёсий масалалар қамраб олинган.

Дастур лойиҳаси билан танишиб чиққан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси, маҳалла ва хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси мутасаддилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, ҳамда таклиф ва ўзгартишларни ёзма равишда баён этишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов олиб борди.

*Гулзода АБДУЛЛАЕВА.*

**ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ**



## МУСТАҚИЛЛИК – БУЮК НЕЪМАТ

***Ҳалол меҳнат бир кун келиб, албатта, ўз мевасини беради. Бу тотли мева — эл-юрт ҳурмати, юксак ишончи бўлади. Иброҳим Эргашев ҳам 22 йилдан буён пойтахтимиздаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида ўз фаолияти билан ҳурмат-эътибор топиб, халқимиз маънавиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган инсонлардан. Қутлуғ байрам арафасида уларга бир нечта савол билан мурожаат этдик.***

**— Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?**

— Аввало, мустақиллик дилида Ватан ишқи ёнган ҳар бир инсонга озод, эркин Ўзбекистонни берди. Шу билан бирга эркин изланиш, интилиш, ўз фаолиятини ҳар соҳада намоён этиш каби имкониятлар яратди. Юртимизга хориждан янги технологиялар, замонавий дастгоҳлар олиб келиниб, ишчиларимизнинг қўл меҳнатлари енгиллаштирилди, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришмоқдамиз. Юртимизда тайёрланаётган жуда кўплаб маҳсулотларимиз жаҳон бозорига чиқди. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди, миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз тикланди. Она-Ватанимизни жаҳон танимоқда. Ана шунинг ўзи мустақилликнинг менга ва бошқаларга берган буюк неъмати эмасми.

**— Ўтган 8 йилда ҳаётингиздаги эсда қоларлик лаҳзалар....**

— 1992 йилда кўпдан бери интиқлик билан кутиб юрган ниятимга эришдим. Қўчқордек ўғилга ота бўлдим. 1998 йилда эса Республикамиз Президентининг Фармонига биноан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлдим. Мустақил юртим равнақига ҳар куни қўшаётган камтарона меҳнатимни ҳам мен учун энг қувончли онлар деб биламан.

**— Келажак режаларингиз.**

— Республикамизда нашр этилаётган кўплаб газеталарни бригадамиз аъзолари билан ҳамкорликда сифатли чиқишига эришишда янада кўпроқ ўз ҳиссамни қўшсам. Келгусида бизнинг газета чоп этиш цехимизга бундан ҳам самаралироқ замонавий технология ўрнатилса, меҳнатимиз самарасидан эл-юрт баҳра олса. Яна истардимки, ўғлим Искандар ҳам Ўзбекистон учун энг керакли, билимли инсон бўлиб улғайса... Зеро, мустақилликни асраш, мустаҳкамлаш биз ва ўстираётган фарзандларимизнинг куч-ғайрати, билими ва фидойилигига боғлиқ.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Валерий Йўлдошевич Отаев Республика Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

◆ Американинг «Шаттл-Эндевер» космик кемасида фазони тадқиқ этишдаги жасорати, ўзбек миллатининг шон-шуҳратини юксалтиришдаги хизматлари ҳамда ёшларга коинот сирларини ўргатиш, уларни ватанпарварлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси учун космонавт Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарини ўрганиш ва аҳолини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

◆ Самарқанд — Тошкент темир йўл маршрутидаги Самарқанд — Мароқанд бўғинидаги электр поездлари қатновчи йўлнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

◆ Тошкентдаги рус маданий марказидаги шеърият, театр ва мусиқа клубида таниқли рус адиби ва актёри Василий Шукшин таваллудининг 70 йиллиги ҳамда Владимир Висоцкийни хотирлашга бағишланган анжуман бўлди.

### ЖАҲОНДА

◆ 28 июль куни Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда «6+2» гуруҳи номи билан машҳур бўлган Афғонистон қўшнилари ва дўстлари гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви якунлари муҳокама қилинди.

◆ Тбилисида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе жонига қасд қилишга уринган шахслар гуруҳи устидан суд жараёни бошланди.

◆ Исроил Бош вазири Ёҳуд Барак Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан учрашганидан сўнг Қўшма Штатларда эришилган шартнома шартларини бажаришга тезда киришиш лозимлигини айтди.

◆ Бир неча ҳафтадан буён давом этаётган кучли ёғингарчилик туфайли юз бераётган сув тошқинлари оқибатида шу кунгача Хитойнинг Юннан ва Сичуан вилоятларида 57 киши қурбон бўлди. Маълумотларга қараганда айни пайтда табиий офат 2 миллион кишининг ҳаётини издан чиқарди, 100 минг гектардан ортиқ ҳайдаладиган ерлар сув остида қолди.

◆ Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги АҚШда нашр этиладиган «Вашингтон пост» газетасида гўёки Ҳиндистон Покистон билан катта урушга ҳозирлик кўргани тўғрисида эълон қилинган хабарни бутунлай инкор этди.

◆ Бенин пойтахти Котонуда ёш болаларни ўғирлаб сотиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ фош этилди.

# ПОРЛАЙВЕР ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

***Ўзбекистонимиз Мустақилликка эришганидан буён байрамларимиз ҳам миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз эъзозланган ҳолда ўзгача руҳда ўтмоқда. Қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирган Истиқлол байрамимизнинг нишоналанишига бугун кенг миқёсли тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Тантаналарнинг асосий қисми пойтахтимиздаги Бош майдон — Мустақиллик майдонида ўтади ҳамда бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этади. Шу боис ҳам айни кунларда қутлуғ байрамни кўнгилдагидек ўтказиш ниятида тараддуд ишлари тез ва соз ўтказилмоқда.***

*Тараддуд*

## БОШ МАЙДОН ТАНТАНАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Майдонда бўлган кишининг нигоҳи биринчи навбатда бунёдкорларнинг қизғин меҳнатларига тушади. Ҳар йилгидек бу ерда қурилиш-тиклаш ишларини олиб бориш «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг «12-трест» ҳиссадорлик жамияти 2-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари зиммасига юкланган. Бош пудратчи саналган ушбу колонна қурувчилари ниҳоятда масъулиятли вазифани бажонидил адо этишмоқда.

— Йилдан йил афзал, деган гап бор орамизда, — дейди ишбоши Баҳодир Акбаров. — Бу гапнинг ниҳоятда топиб айтилганини биз ўз иш фаолиятимизда кўриб турибмиз. Мана бир неча йилдирки, Истиқлол байрамига тайёргарлик ишларида қатнашамиз, қурилиш-тиклаш, пардозлаш каби юмушларни моҳирлик билан адо этамиз. Чунки Мустақилликнинг ўзи буюк неъматдир. Ана шу буюк неъматнинг қадрига етаётганлар йиғилади бу майдонга. Уларнинг қалб қувончларига ана ўшанда бизнинг қилган меҳнатимиз ҳам ҳамоҳанг бўлади. Юртдошларимизнинг шодлигига шерик бўлиш, қатнашчи ва томошабинларга қулайликлар яратиш асосий вазифамиз. Айни кунлардаги ишимиз эса ниятга яраша бўлмоқда.

Саҳна қурилиши ва уни пардозлаш, 10700 томошабинга мўлжалланган ўриндиқларни ўрнатиш ниҳоясига етмоқда. Саҳнани икки томондан ёритувчи мосламалар, ҳар бирининг баландлиги 16 метрни ташкил этувчи гўзал миноралар майдон гўзаллигига кўрк бағишлаши, шубҳасиз. Бу ишларни амалга оширишга 150 нафардан ортиқ бунёдкорлар жалб этилган. Улар орасида 20-, 51-, 52-қурилиш бошқармаларининг тикловчи, сувоқчи, дурадгор, бўёқчи ва техника бошқарувчилари, «Тошшаҳарнур»нинг тажрибали электрчилари бор. Айниқса, Иван Брюзгин раҳбарлигидаги тикловчилар бригадаси аъзолари ҳамжиҳатликда меҳнат қилганлигини бажарилган ишдан ҳам сезиш мумкин. 20-ҳамда 52-қурилиш бошқармаларининг пардозловчилари эса кетма-кет пардозлаш юмушларини сифатли адо этишяпти.

Чинданам ушбу қурилиш майдонидаги шижоатдан шу нарса аёнки, яхшиликка, эзгу-ниятларимиз амалга ошган қутлуғ кунга ҳар ким ўз улушини қўшишни кўзлаяпти. Зеро, уларнинг меҳнати билан янада чирой очган майдонда Истиқлолимизнинг буюклиги, ундан баҳра олган халқимизнинг улуғлиги тантана қилинади.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*



## БУНЁДКОРЛАР СОВҒАСИ

***Мустақил республикамизнинг саккиз йиллиги арафасида мамлакатимиз пойтахтида жуда кўплаб кўркам бинолар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий, барча қулайликларга эга бўлган кўприклар ва турар жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда.***

Сиз суратда кўриб турган бу ҳашаматли бинода ҳам ҳадемай ўнлаб ҳамшаҳарларимиз уй тўйларини ўтказишади. Қоратош даҳасида қуриб битказилган бу уйнинг атрофи ҳозирда ободонлаштирилмоқда ва кўкаламзорлаштирилмоқда. Ушбу бино 2-уйсозлик комбинати ҳиссадорлик жамиятининг 61-қурилиш бошқармаси (ишбоши Тоҳир Бердиев) бунёдкорлари томонидан қурилмоқда.

Уни сифатли қилиб бунёд этишда пайвандчилар сардори Сергей Пак, нурсозлар бошлиғи Шодиёр Ҳайитов жонбозлик кўрсатишди.

*СУРАТЛАРДА: ишбоши Тоҳир Бердиев (ўнгда) ҳамкасблари Қудрат Муҳамедов ва Алижон Комиловлар билан; тўққиз қаватли уйда ҳадемай ҳовли тўйлари бўлиб ўтади.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*



*Транспорт*

## МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

***Мустақиллик йилларида шаҳар йўловчилар ташиш транспортида четдан келтирилган «Мерседес-Бенц» автобуслари, «Татра» трамвайлари ва «Шкода» троллейбусларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ана шу қулай, айни вақтда қимматли транспорт воситалари умрини узайтириш мақсадида «Мерседес-Бенц» ихтисослаштирилган сервис хизмати маркази очилди.***

Истиқлолимизнинг 8 йиллиги арафасида «Тоштатрасервис» техника марказининг ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бу ерда Чехиядан келтирилган «Шкода» троллейбуслари билан «Татра» трамвай вагонлари учун зарур бўлган техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чех транспортларини таъмирлашда ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни етказиб беришни чех томони ўз зиммасига олди.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси ташаббуси билан бу хилдаги таъмирлаш корхоналаридан яна бир нечтасини бунёд этиш кўзда тутилди. Уюшмага қарашли қатор корхоналарда ҳам техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиши билан транспортчилар учун анча қулайликлар яратилди.

Мустақиллигимиз шарофати билан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланган «2-автотаъмирзаводи»да ҳозир 70 га яқин номда эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Жанубий Кореядан келтирилган ДЭУ автобуслари учун тормоз барабанлари ишлаб чиқаришга ҳам киришилди.

Бундан ташқари «Мерседес-Бенц» немис автобусларига ишлатиладиган резина-техника жиҳозларини кўплаб чиқаришга эришилмоқда. Бу техник тадбирлар, шубҳасиз транспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз ҳолда бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Истиқлол байрами арафасида бу корхона эҳтиёт қисмларнинг 130 дан ортиқ турини ишлаб чиқаришга эришади.

*Акбар АЛИЕВ.*

*Мулоҳаза*

## ҲАР БИРИМИЗ ФИДОЙИ БЎЛАЙЛИК

***Оллоҳнинг фазлу карами билан эришган мустаҳкам Мустақиллигимиз фазилатлари ва шу даврга қадар бошимизда балодай турган тутқунлигимиз иллатлари ҳақида жуда кўп ёздик, гапирдик. Бундан кейин ҳам қувончли ва кўнгилли гаплар, ҳар хил дил сўзлари давом этаверади. Бу — табиий ҳол. Зеро Мустақиллик деган улуғ маънавий неъматнинг биз тасаввур қилмаган, шууримизга сиғдира олмаган сержило қирралари тобора кўпроқ намоён бўлмоқдаки, уларни кўра-била туриб жим қолмоқлик асло мумкин эмас.***

Истаган даражада эркин фикрлаш ва кўнглимизда туғилаётган қувончу ғалаёнларни очиқ-ойдин, бaралла гапира олишимиз ҳам Мустақиллигимизнинг бир олмос қирраси, албатта. Худди шу имкониятлардан келиб чиқиб, ҳозирги ҳаётимиздаги баъзи бир жумбоқли муаммоларни кўпчилик эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Мана, эркин ҳаёт кечира бошлаганимизга 8 йил бўляпти. Олдимизда эса буюк довон — икки мингинчи йилга қадам қўйиш синовлари турибди. Умум Ўзбекистонимиз миқёсида фикр юритадиган бўлсак, қадимда салкам юз йил давомида қилинмаган ишларни салкам 8 йилда амалга ошириб қўйибмиз. Ўзбекистон кўркининг шаклу шамойилининг туб даражада ўзгариб, улуғвор тус олиб бораётганлигига ҳеч ким шак-шубҳа келтира олмайди. Ахир бунга бутун дунё аҳли тан бериб турибди-ку! Шу даражага, биринчи навбатда, узоқ истиқболни кўра оладиган, ҳаммамизни дадиллик билан олға бошлаб бораётган Президентимиз бошчилигида эришдик, албатта. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, ўзимиз-чи, ҳар биримиз-чи, порлоқ истиқболимиз йўлидаги жонбозликларга, олижаноб саъй-ҳаракатларга қандай ҳисса қўшяпмиз? Ҳақиқий тадбиркорлар, элу юртимизнинг чинакам фидойилари орамизда жуда кўп. Улар Мустақиллик шарофати туфайли юзага келган ўз-ўзини бошқаришдек кенг имкониятлардан жуда ўринли фойдаланиб, Ватанимиз равнақи учун муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар танлаган шу эзгу йўл пировард натижада ўзларини ҳам фаровон ҳаёт сари элтмоқда. Айниқса, шундайин тўғри йўлни ихтиёр этган бошлиқларни астойдил табрикламоқ, алоҳида тилга олмоқ лозим. Улар чин инсонлар, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир. Афсуски, уларни акси бўлганлар ҳам учраб турибди. Улар ўзларини ғоят устамон ҳисоблашиб, вақти-вақти билан сохта жонбозликлар кўрсатишиб, атрофдагиларнинг, айниқса оддий халқимизнинг кўзини бўямоқчи бўладилар. Минг чиройли йўргакланмасин, ёлғоннинг умри қисқа эканлигини ўша жанобларнинг сира тан олгиси келмаётгани кишини лол қолдиради. Худди шу зайлда иш юритаётган бир раҳбарнинг кирдикорларидан кичкина мисол келтирамиз. Ул жаноб аввалги сайловда Олий Мажлисга депутат бўлиш олдидан шунчалар жонкуяр, шунчалар сахий эдики, асти қўяверасиз! Кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатишда бу кишининг ташаббусларию шахсий намуна бўлишлари! Одамларга берилган имтиёзлар майда-чуйда бўлсада, амалга оширган қурилиш ва ободончилик ишлари!.. Депутатлик ёрлиғи қўлга теккан заҳоти эса у барчи имтиёзлару ғамхўрликларни тақа-тақ тўхтатди. Бундан ранжиган кишилар унинг олдига талабнома билан кирдилар. Қабулхонасида ҳеч ким бўлмаса-да, уларни обдан толиққунча кутдирди. Ниҳоят, киришга ижозат олган бечоралар қабулхона ичкарисига қадам босдилар-у лол ҳолда туриб қолдилар. Иккала қулоғига иккита телефон дастагини тутган жаноб бошлиқ айланма креслога ястаниб олган кўйи оёқларини стол устида чалиштириб, телевизор томоша қиларди. У оғриниб ўгирилди. Барибир, бўлар-бўлмас баҳоналар билан вакилларнинг ҳамма талабларини рад этди...

Ҳозирга келиб шу каби айрим мансабдорлар яна талвасага туша бошладилар. Улар тағин баъзи бир имтиёзлар бериш, унча-мунча «савобли» ишлар қилиш йўлларини кўзламоқдалар. Чунки янги сайлов муддати эшик қоқиб турибди-да! Шундай пайтда ўйлаб қоласан киши: «Бу каби «устамон»ларни одамлар ўзларига сардор этиб яна қайта сайлашармикин?!» Ундай амалпараст, шахсиятпарастлар тараққиётимизга тўғаноқ бўлишдан бошқа нарсага ярамайди. Энди бошқа бир тоифа раҳбарларни қаранг. Ўзлари тадбиркор, ишбилармон, ҳатто адолатли ҳам дейиш мумкин. аммо ўринбосарларию қўл остидаги раҳбарлик лавозимларига ўта хушомадгўй, фирибгар ёки шунга ўхшаш нусхаларни танлаб оладилар. Охир-оқибатда ўзлари ҳам шуларнинг тузоғига илиниб, тўрга тушиб қоладилар. Қарабсизки, ҳам ишлар орқага кетади, ҳам икки ўртада халқ азият чекади. Шундайларга қарата: «Шер бўлиб майдонга чиқдингми, чинакам шерларни шерик қилгин-да, Президентимизга муносиб елкадош бўлиб, Ватанимиз, халқимиз учун, керак бўлса жон фидо этишга тайёр тургин-да, дея ҳайқиргимиз келади.

Чиндан ҳам Ватанимиз, халқимиз айни дамларда ҳақиқий фидойи инсонларга, хусусан раҳбарларга ҳар қачонгидан ҳам кўра қаттиқроқ муҳтожлик сезмоқда. Бундан буёғига ўзларига тўлиқ ишонган, кўзлаган эзгу ниятларини қойилмақом қилиб бажара оладиган мард инсонларнигина раҳбарлик лавозимларига кўтаришимиз, улар эса ўзларига муносиб шериклар танлашлари лозим. Шундагина Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаймиз, халқимиз корига тўлиқ ярай оламиз.

*Асад АСИЛ, ёзувчи.*

# ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар



*Тадбиркорлик*

## ҚЎШИМЧА ЦЕХ ҲОЗИРЛАНЯПТИ

***«Янги замон» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасига қарашли «Қушбеги нон» корхонаси 1995 йили Яккасарой туманида ўз фаолиятини бошлаган эди. Айни вақтда бу ерда 102 нафар ишчи-хизматчилар икки сменада меҳнат қилишаётир. Уларнинг ўртача ойлик маоши 8-10 минг сўмни ташкил этмоқда.***

Корхонадаги мавжуд иккита нон пишириш цехи замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шу боис бу ерда мижозларнинг кунлик буюртмалари асосида суткасига 10-20 тонна атрофида 31 турдаги нон ва нон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмоқда. Шунингдек, турли печенелар, ширин кулчалар, байрам тортлари каби саккиз хилдаги қандолат маҳсулотлари ҳамда бир кунда 500 килограммдан 1 тоннагача макарон ишлаб чиқарилмоқда.

— Аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олиб 3-нон пишириш цехини мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами арафасида ишга туширишни режалаштирганмиз, — дейди корхона директори муовини Раҳмонали Султонов. — Шунингдек, «Янги замон» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда турли хилдаги музқаймоқлар ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаганмиз. Бунинг учун барча дастгоҳлар тайёр, уларни ўрнатсак бўлгани. Ниятларимиз амалга ошса, аҳолининг эҳтиёжини қондириш имкониятимиз янада ошади.

Дарҳақиқат, аҳолига намунали хизмат кўрсатишга «Қушбеги нон» меҳнат жамоасининг имкониятлари етарли даражада. Улар ишлаб чиқариш билан бир қаторда ана шу маҳсулотларни вақтида аҳолига етказиш учун махсус фирма дўконида тўғридан-тўғри савдо қилишни ташкил этишган. Бундай қулайлик ҳам аҳолининг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

*Солижон ЗОИРОВ.*

*СУРАТДА: «Қушбеги нон» корхонасининг иш фаолиятидан лавҳа.*

*Муаллиф олган сурат.*

*Саноат*

## ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

Пойтахтимизда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган «Расто» қўшма корхонасида яна бир цех қуриб битказилди.

Айни кунларда ушбу янги цех Германиянинг «Хейдельберг» фирмасидан келтирилган янги ускуналар билан жиҳозланмоқда. Маълумки, ушбу фирмада тайёрланган босма машиналар дунё бўйича сифати билан энг юқори ўринда туради. Ана шу юксак сифатли технологияни бошқарадиган ёш мутахассислар ҳам Германияда ўқиб, касб маҳоратларини ошириб қайтишди.

Янги цех тўла қуввати билан ишга тушгач, меҳнат унумдорлиги икки бараварга ортади.

*Шарофат БАХРОМОВА.*

*1999 — Аёллар йили*

## ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК

***Акмал Икромов туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат Дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида «Энг ибратли келинчак» кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган ушбу кўрик-танловда қатнашчилар келинлар ташрифи, уларнинг вазифаси ва бурчи, хусусан оиладаги таълим-тарбия, маънавият, ҳуқуқий саводхонлик, аҳиллик масалалари, оила бюджетини сақлаш ва режалаштириш, савол-жавоб ҳамда бадиий чиқиш сингари баҳсларда ўзаро куч синашдилар. Ҳар бир иштирокчи у тарбиячими ёки тикувчи, ўқитувчими ёки уй бекаси эканлигидан қатъи назар ўзларининг ҳақиқий бека, муниса аёл, меҳрибон она эканликларини намойиш этиш билан бир қаторда, саҳнада ўз маҳоратларини ҳам кўрсатдилар.

Ғолибларни аниқлаш дақиқалари ҳам етиб келди. Ҳакамлар ҳайъатининг узоқ мунозараларидан сўнг Ҳақиқат Акромова кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Вазира Исхоқова, Райҳона Қўшоқоваларга эса иккинчи ўринни эгаллаш насиб этди.

Ушбу кўрик-танлов барча қатнашчи ва томошабинларда катта таассурот қолдирди. Буни улар билдирган фикрлардан ҳам билиб олиш мумкин.

**Адолат НОСИРОВА, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Бугун мен кўрик-танловда иштирок этган барча қатнашчиларни ғолиб деб атагим келади. Негаки, эл олдида ибратли келин бўлиб саҳнага чиқишнинг, унда ўз маҳоратини намойиш эта олишнинг ўзи ҳам маълум бир маънодаги ғолибликдир. Менинг истагим шуки, нафақат туманимизда, балки бутун Ўзбекистонимизда ибратли, меҳр-оқибатли келинлар кўпаяверсин.

**Гулчехра ИСЛОМОВА, 453-болалар боғчаси тарбиячиси, томошабин:**

— Аёллар йилида мана шундай кўрик-танловнинг ўтказилиши айни муддао бўлди. Сабаби бу кўрик-танлов орқали нафақат мен, балки бошқа хотин-қизлар ҳам ўзлари учун керакли бўлган айрим фойдали маслаҳат, йўл-йўриқларни олдик, десам хато бўлмайди. Истагим шуки мана шундай хотин-қизлар билан боғлиқ кўрик-танловлар фақатгина аёллар йилида эмас, аксинча келгуси йилларда ҳам ўтказилса айни муддао бўлар эди. Негаки, шу сингари танловлар ва йиғилишлар орқали аёлларимиз ўз истеъдодларини озми-кўпми намойиш этиш имкониятига эга бўладилар.



*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*СУРАТДА: ғолибларни тақдирлаш маросими.*

*Засим Соколов олган сурат.*

*Маҳалла: бандлик*

## ЭЛ ИШИГА КАМАРБАСТА

***Маҳалла қадимдан Туркистон заминида машҳур бўлиб, унинг катта мавқеини, буюк вазифасини, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, жипслаштирувчи, ҳамкору мададкор бўлишга даъват этувчи, аҳиллик ва биродарликни таъминлашга чорловчи фаолиятини асло инкор этиб бўлмайди.***

Ҳозир ҳам қайси оила ёрдамга муҳтож, ким қандай тирикчилик қиляпти, қанча одам ишламаслиги ҳақидаги маълумотларни маҳалла фаоллари бошқалардан яхшироқ билишади. Умуман кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсиз қолган фуқароларни ишга жойлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этишда маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлик қилиш яхши самара беришини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳозир шаҳримизда 445 та маҳалла бор. Албатта уларни тўла қамраб олиш осон иш эмас. Шу боис туманлардаги меҳнат биржаларида маҳаллалар билан ишлаш бўлимларида фаолият кўрсатаётган меҳнат инспекторлари жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа муҳим ҳужжатларни ўз иш тартибининг дастуруламали қилиб олган ҳолда тарғибот, ташвиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ташкилий ишлар йўлга қўйилмоқда. Бу ўринда Акмал Икромов тумани меҳнат органи томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Айниқса бу даргоҳда хизмат қилаётган меҳнат инспектори Мавлон Соатовнинг ўрни салмоқлидир. Ўзининг камтаринлиги, меҳнатсеварлиги билан туман маҳаллаларида аҳли ўртасида обрў-эътибор топган зукматкаш бу инсоннинг иш тажрибаси ҳақида ҳамкасблари фахрланиб гапиришади.

Мана бир неча йилдирки, Мавлон ака ўзига бириктирилган Усмон Юсупов, Шарқ гули, Оқ масжид, Дархон маҳаллалари оқсоқоллари ҳамда фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Ушбу маҳаллалардаги ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон эгаларини беш қўлдай билади десак муболаға қилмаган бўламиз. Мавлон аканинг ҳар куниги иш фаолияти қатъий белгиланган режа асосида эрта тонгдан бошланиб то оқшомгача давом этади. Уйга қайтгач эса кун бўйи қилинган ишлар сарҳисоб қилиниб қоғозга туширилади ва эртанги кун иш режаси тузиб олинади. Натижада барча ишлар вақтида, ортиқча асаббузарликларга йўл қўймай амалга оширилади. Мавлон ака меҳнат инспектори сифатида маҳалла билан ишлабгина қолмай, у ердаги муаммоларни ҳал этишга ва назорат қилишга ҳуқуқлидир. Шу боисдан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига асосан болаларга бериладиган нафақа пулларини тўлиқ назоратга олган. Зеро, 4 та маҳаллада 7567 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Маълумки, маҳаллаларда турли сабабларга кўра уй-рўзғор юмушлари, бола тарбияси билан банд бўлиб қолган опа-сингилларимиз етарлича топилади. Мавлон ака ҳар бир ишсиз аёлнинг ишламаслик сабабларини ўрганиб, уларнинг аниқ ҳисобини олган ҳолда, уй шароитлари билан танишиб, уларга маъқул иш топишга ҳаракат қилади. Мавжуд бўш ўринлар тўғрисида маълумот бериб боради.

Айниқса, Мавлон ака маҳаллаларда яшовчи иш билан банд бўлмаган ёшлар тарбиясига катта эътиборни қаратган. Уларнинг ҳисобини уйма-уй юриб аниқлаб, ишламаслик сабабларини чуқур ўрганади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни атрофлича таҳлил этиш, бошқачароқ ибора билан айтганда пухта, илмий асосланган дастурга эга бўлиш, бу жараёнда узоқни кўра билиш талаб этилади.

Мавлон ака қатъий жадвал асосида ўзига бириктирилган маҳаллалар идораларида бўлади. Аҳоли билан тушунтириш, тарғибот ишлари олиб боради. Юқорида айтиб ўтилган ишларни амалга оширишда маҳаллалар оқсоқолларидан Темир Муллажонов, Баҳодир Сирожиддинов, Абдусамат Исроилов, Али Абдувоҳидовларнинг ёрдамига таянади.

— Мавлон ака билан икки йилдан бери ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди Оқ масжид номли маҳалла котибаси Зоҳида Исроилова. — Тиниб-тинчимас, ажойиб инсон. Айтилган иш, буюрилган топшириқни ўз вақтида пишиқ-пухта бажаришга одатланганлар. Белгиланган вақтда ҳар қандай шароитда бўлса ҳам маҳалла айланишдан, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб боришдан, ёрдамга муҳтожларга амалий ёрдам ва маслаҳат беришдан эринмайдилар. Кунда қилган ишларининг изи қоғозга тушади. Мавлон аканинг иш юритиш тажрибасини ўрганган одам кам бўлмайди. Шунинг учун бу одам доимо эл ҳурматида.

*Дония ЗОКИРОВА.*

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Буюк Ипак йўли изидан

## ЭСТРАДА БАЙРАМИ





Тошкент вилоятидаги Чимён тоғлари ёнбағрида мамлакатимизда илк бор «Буюк ипак йўли. Чимён-99» деб номланган эстрада мусиқаси байрами бўлиб ўтди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Ўзбекнаво» давлат концерт бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирга «Кока-Кола», «Nestle» қўшма корхоналари, «Байрам» фирмаси, «Гўзал Пери» журнали, «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳомийлик қилди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоевнинг табрик сўзларидан сўнг улкан эстрада-байрам шоуси бошланиб кетди. Йиғилганлар «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри, «Хаёл», «Бўстон», «Сетора», «Анор», «Ялла» дасталари, Л. Москалева, Ф. Зокиров, К. Қаюмов, шунингдек, россиялик меҳмонлар — К. Метов, А. Иванов, А. Серов, «Рондо» гуруҳининг жозибали куй-қўшиқларини мириқиб тинглаб, шўх рақсларга тушишди.

Эстрада юлдузларининг чиқишлари «Хафис» модалар уйи, модельер А. Ибрагимов либосларининг намойиши билан узвий боғланиб кетди.

*Ўз мухбиримиз.*

*СУРАТЛАРДА: «Буюк ипак йўли» эстрада байрамидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

***Ўзбек халқ оғзаки ижодида сувни улуғлашга, увол қилмасликка, пок, тоза сақлашга бағишланган ўнлаб топишмоқлар, мақоллар, қўшиқлар, эртаклар, достонлар мавжуддир. Фольклоршунос олимларнинг таъкидлашларича, халқ яратган бир қатор асарларда сув муаммоси кишилик жамиятининг асосий, долзарб муаммолари қаторига қўйилади. Бу туркум асарларда Сув образ даражасигача кўтарилган, ҳаттоки халқ оғзаки ижодиётида ризқи-рўзимиз нонга қараганда ҳам сув ҳақида кўпроқ фикрлар билдирилган.***

Мозий

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА СУВ МАДҲИ

Халқ оғзаки ижодида сув ҳақида ўнлаб чиройли, қисқа, лўнда топишмоқлар яратилганки, уларни ўқиганимизда она халқимизнинг дидига, ақл-заковатига таҳсинлар ўқиймиз. Мана бир мисол:

***У ўтган боғу бўстон,***
***Майсаларга гўё кон.***
***Босиб ўтар қанча йўл,***
***Ишидан гуллайди чўл. (сув)***

Келтирилган бу топишмоқда жуда ўринли ўхшатишлар воситасида Сувнинг гиёҳ битмас бепоён саҳроларга ҳаёт бағишлаши, у оқиб ўтган ерлар боғу бўстонга, майсазор ва гулзорларга айланиши ўта зукколик билан бадиий ифодаланган. Қисқаси, сувга жуда ўринли, аниқ ва тўғри таъриф берилган.

Халқ яратган ўнлаб қўшиқларда ҳам Сув улуғланиб, гўзаллик, поклик, эзгулик, ёруғлик, севги-муҳаббат тимсоли сифатида куйланади. Ҳатто ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги муҳаббат тасвирида ҳам Сув асосий восита сифатида келтирилади:

***Икки ариқ бирдан қандай ўтаман,***
***Оёғим тойилса, сувга кетаман.***
***Оқар сувга ҳасратларим айтаман,***
***Нимага ёнаман, нимага куяман,***
***Ғунча эдим очилмасдан сўламан.***

Бу қўшиқда сув баҳонасида ўзбек халқининг урф-одатлари, удумлари ёрқин акс этганлигини кўрамиз. Халқимиз орасида «Тушингни сувга айт», «Ҳасратингни оқар сувга айт» — деган иборалар бор. Ҳасрат, дард-аламингни айтиш учун оқар сув ёқасига борганингнинг ўзидаёқ қандайдир енгиллик ҳис этасан қалбингда.

Ўзбек халқининг Сув ҳақида, унинг инсон ҳаётида, умуман кишилик жамияти тарихида тутган ўрни ҳақида яратган мақол-маталлари, ҳикматли иборалари накд қимматбаҳо маънавий жавоҳирлардир. Сув ҳақидаги мақоллар она халқимизнинг сувга бўлган юксак эътиқодининг, ҳурматининг бир кўринишидир, албатта.

Сув ҳақида икки мисра, бир мисра, ҳатто бир жумла орқали оламшумул фикрлар баён қилинганки, уларни ўқиб ҳайратга тушасан киши. Ўша бир мисрада, бир жумлада, бир сўзда сувнинг қадр-қиммати, таърифи, муқаддаслиги, муқобили — тенги йўқлиги шундай ифодаланганки, гўё бир томчида олам акс этгандек: «Сувсиз ҳаёт бўлмас», «Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ», «Ўт берган ўтини олар, сув берган — сувини», «Томчи тошни кесар», «Тошни сиққан билан сув чиқмас», «Дарёга ҳазил қилсанг, суви сени ғарқ этар», «Асад суви — асал суви», «Сувимни тўкма, тузимни тўкма» каби.

Ўзбек халқининг сув ҳақида яратган ҳар бир мақоли, ҳикматли иборалари бамисоли қимматбаҳо бир китобга тенгдир. Халқимиз бу мақолларида сув баҳонасида адолат, ҳалоллик, эзгулик, увол, савоб, биродарлик, севги-муҳаббат, разолат, жаҳолат, зулмат, манманлик, зўрлик ҳақидаги ўзининг аниқ фикр ва мулоҳазаларини ҳам усталик билан ифодалагандир.

*Абдуҳамид АБДУРАҲМОН ўғли.*

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

◆ Оз мол билан хотиржам яшаш кўп мол билан қўрқиб яшашдан афзал.

Ҳаром егандан кўра камбағал бўлган яхши.

Мол-дунё асал аралаштирилган заҳар ва шодлик аралаштирилган ғамдир.

Оз кўпга тобедир. — Қаерга кетяпсан? — сўрашди оздан.

— Кўпнинг олдига! — жавоб берди оз.

Ақлли одам камбағал бўлмайди.

Муҳтожлик ҳийлалар эшигини очади.

Камбағаллик тамбаллик самараси.

Оч бойдан тўқ ит яхши.

Роҳати йўқ пулдор ҳеч нарсаси йўқ камбағалга ўхшайди.

◆ Одам нима билан равнақ топса ўшанга ёпишади.

Бола уйнинг зийнати.

***Инсон номи ўлмай яшайди такрор,***
***Ортидан фарзанди қолганда ёдгор!***

Юксалиш қийин, пастлаш осон, негаки оғир тошни кўтариш қийин, ташлаб юбориш осондир!

На мулк билан, на мол билан, шараф фазлу камол билан!

***«Аталар сўзлари»дан.***

◆ Бир кишини амалдан туширдилар. Одамлар ундан қоча бошлади. Дўстлар эса алоқани узди. Байт:

***Оғир бўлса ҳар кимсанинг рўзғори,***
***Ундан қочар бола-чақа нигори!***

Кунлар ўтар ҳеч ким ундан ҳол сўрамас эди. Тунни кунга улар, дўстлардан эса хабар бўлмасди, ҳаёт ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, унинг ихтиёрига яна вазирлик лавозимини топширди. Байт:

***Беқарор фалакнинг одати шулдир,***
***Бир кун тортиб олиб, бир кун беради.***

Қочиб кетган дўстлари яна қайтди ва юз бурган амалдорлар бош букиб салом айтди. Бир куни танишларидан бири келиб, узр сўради ва ўзининг арази ва узоқлашишини ҳаётга тўнкади. Улуғ киши деди: «Нокас кишиларга молу давлатинг учун тобелик қилиш ва аҳмоқ кишиларга бахту иқболинг учун муомала қилиш одатдир. Узр сўрашнинг ҳожати йўқ! Байт:

***Нокас кишилар доим дунё ортидан қувар,***
***Билимдон кишиларга бир қайрилиб боқмас ҳам.***
***Пашшаларнинг олдида кўплаб шира бўлса-да,***
***Аммо тери ошловчи уйида кўп бўлғай жам!***

***Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.***

◆ Бир камбағал одам билан бир бой киши доимо ҳамсуҳбат эди. Кўп вақтларини улар бирга ўтказар эдилар. Бир ҳаким ўтиб кетаётиб кўзи уларга тушиб қолди ва улардан: «Сизлар дўстмисизлар?» деб сўради. «Ҳа, бизлар дўстмиз!» деб жавоб беришди улар. Ҳаким эса! «Ёлғон айтаяпсизлар, агар сизлар дўст бўлсаларингиз, нега бировингиз бою, бировингиз камбағал?» деди.

Шундан кўриниб турибдики, дўст дўстдан ҳеч нарсасини аямаслиги, дўсти камбағал ва фақир бўлса, бисотида неки бўлса унга бериши ва ёрдам қўлини чўзиши керак.

◆ Доноларнинг айтишича, дўст икки хил бўлади. Биринчи хилдаги дўстлар ҳақиқий дўстлар бўлиб, улар ўзларининг ички олами, жинсияти ва феъл-атворининг мувофиқлиги билан дўстлашадилар. Иккинчи хил дўстлар эса вақтинча, бир ишни адо қилиб олиш учун, бир бирига зарурат юзасидан мажбур бўлиб қолгани учун дўстлик ипин боғлайдилар. Биринчи хилдаги дўстларнинг дўстлиги боқий, иккинчисиники эса салга бузилиб кетгувчидир.

***Абулбаракот ҚОДИРИЙ.***

◆ ҲИКОЯТ. Келтиришларича, бир ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб шундай дер экан:

***Олтининг харж билан охир бўлар кам,***
***Ҳунар шундай ганжки камаймас ҳар дам!***
***Уларнинг фарқини айтсам агарда,***
***Ҳунар чашма эрур, олтин-чи шабнам!***

◆ ҲИКОЯТ. Насаф фуқароларидан бўлмиш бир гуруҳ йигитлар базм ташкил қилишган эди. Базмга мен ҳам таклиф этилган эдим. Бориш истаги кўнглимдан ҳеч ўрин олмаса-да, аммо қолиш хаёли ҳам унинг ўрнини босолмас эди, чунончи бу ҳақда шундай ҳикматни келтирадилар: «Ўйнаб-кулиш ёшлар учун фазилат, қариларнинг зийнати эса узлатдир!». Ўша пайтда шу ерда бир ёш йигит бўлиб, малоҳатда маъруф, латофатда машҳур, соғлому самимий эди. Уни ҳам базмга таклиф этишган экан. Йўлда ҳамроҳ бўлиб бирга кетдик.

***Хунук, бадфеъл, бадхулқ кишилар билан,***
***Жаннатга бормоқлик аблаҳлик эрур!***
***Аммо пари пайкар, ҳурлиқо билан,***
***Дўзахга бормаслик гумроҳлик эрур!***

Базмга келгач, суврати инсон, сийрати ваҳший ҳайвон кишиларни кўрдим. Менга маълум бўлишича, базмдагилар ўтириш тугагач, шу ерда ётиб қолишар экан. Рухсат сўраб кетиш пайига тушдим. Ҳалиги йигитга: «Тур, менга шерик бўл, бу ерда қолма!» деб қанча қистамай гапимга кирмади.

***Пандга қулоқ солса агар ҳар йигит,***
***Ақли раҳбар бўлар доим ўзига.***
***Ақлдан кам бўлса баҳрамандлиги,***
***Асло қулоқ солмас кекса сўзига!***

Шундай қилиб ёлғиз ўзим кетдим. Тонг отгач, эшитсам, базмдагилар ҳалиги йигитга қалтис ҳазил қилишибди. Йигит эса ёнидан пичоқ олиб, бир неча кишини ярадор қилибди.

***ХУРРАМИЙ.***

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.*

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0536. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6